

СПОРТЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА СЕЛЕКЦИЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 23 май куни спортни оммалаштириш ва иқтидорли спортчиларни тайёрлаш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда спорт инфратузилмаси изчил ривожлантирилиб, ёшларнинг қизиқишлари қўллаб-қувватланмоқда. Сўнгги беш йилда 118 та янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди ва 110 таси реконструкция қилинди. Барча маҳаллалардаги ёшларни спортга жалб этиш бўйича илк бор “беш босқичли” мусобақалар бошланди. Апрель-май ойларида ўтган биринчи ва иккинчи босқичларда 3 миллиондан зиёд ёшлар иштирок этди.

Лекин қобилиятли йигит-қизларни саралаб, профессионал спортчиларга айлантиришга эътибор йўқ. Бунда бошланғич тизим бўлган спорт мактаблари билан Олимпия заҳиралари коллежлари ва Олий спорт маҳорати мактаблари ўртасида узвийлик йўлга қўйилмаган. Мисол учун, 190 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабида, бор-йўғи, 10 та олимпия спорт

тури ўргатилади. Спорт федерациялари Олимпия заҳиралари коллежлари билан ишлашнинг ўз холига ташлаб қўйган.

Шу боис йиғилишда спортчиларни тайёрлаш ва селекция қилиш бўйича янги тизим жорий қилиниши белгиланди.

Унга кўра, энди ҳар бир маҳаллада апрель — июнь ва сентябрь — декабрь ойларида мусобақалар ташкил этилиб, яхши натижа кўрсатган ёшлар электрон рўйхатга киритилади ҳамда ҳудуддаги спорт мактабида маълум мураббийлар билан бепул шуғулланиш имконига эга бўлади. Улар жисмоний тайёрлагич даражаси ва разрядига қараб кейинги босқичга ўтказилади. Спорт мактаблари муайян олимпия спорт турлари бўйича базага айлантирилади. Мураббийларнинг иш ҳақи 35 фоиз оширилади.

Мутасаддиларга ушбу тизимнинг жорий этиб, яхши натижа

кўрсатган маҳаллаларни рағбатлантириш бўйича кўрсатмалар берилди. Йил якунигача 508 та маҳаллада кўп функцияли спорт майдончалари қурилиши қайд этилди.

Бугунги кунда Олимпия заҳиралари коллежларига 14 ёшдан катта ўсмирлар қабул қилинмоқда. Оқибатда ёшларни Олимпия ўйинларига тайёрлаш кеч бошланганди.

Шу боис бу борада ривожланган давлатлардаги илғор тажрибалар ўрганилди. Энди шу асосда спортчиларни профессионал тайёрлаш тизими ислоҳ қилинади. Яъни бу соҳадаги коллежлар Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази сифатида ташкил этилади. Бу марказлар 5 — 9-синфлар учун Олимпия мактаби, 10 — 11-синфлар ҳамда 1 — 2-курслар учун Олимпия ва паралимпия коллежи бўлиб хизмат қилади.

Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳузурида илғор тренер ва хорижий экспертлардан иборат Мураббийлар кенгаши тузилиб, мусобақаларда энг ўқори натижага эришган ёшларни коллежларга саралаб олади. Коллеж битирувчилари эса келгусида Олий спорт маҳорати институтига қабул қилинади. Шу тариқа профессионал спортчилар тайёрлашнинг узлуксиз тизими яратилади.

Спортни ривожлантириш вазирлигида 20 та истиқболли олимпия турини белгилаб, улар бўйича ҳудудий “таянч база”ларни ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Соҳадаги илмий салоҳият ҳам талаб даражасида эмаслиги айтилди. Маҳаллий олимпия томонидан бирорта спорт тури бўйича на методика, на дастур ишлаб чиқилган. Бугунги кунда спортчиларни тайёрлаш 30 йил

олдинги дастурлар асосида амалга оширилмоқда. Спорт диетологияси, фармакологияси, психологияси, спорт муҳандислиги, кардио-машғулотлар бўйича мутахассислар тайёрланмаяпти.

Шу боис олимпия спорт турлари бўйича спортчиларни жисмоний ва руҳий тайёрлаш, соғлом овқатлантириш дастурларини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Келгуси ўқув йилидан бошлаб Жисмоний тарбия ва спорт университетидан спорт диетологияси, муҳандислиги ва кардио-машғулотлар, Тиббиёт академиясида спорт медицинаси ва фармакологияси бўйича мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш топшириқи берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан вазирлар ва ҳокимлар ахборот берди.

Ў.А.

ДУНЁНИГОҲИ

«Ўзбекистоннинг ШХТга муваффақиятли раислиги — ташкилот изчил ривожланишининг гаровидир»

Хабарингиз бор, Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги доирасида Тошкент шаҳрида ШХТга аъзо давлатлар туризм вазирлари йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Покистон, Россия, Тожикистон, Хитой, Хиндистон ва ШХТ Котиббининг туризми ривожлантиришга масъул вазирлар ва идоралари раҳбарлари иштирок этган тадбир хориж оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотди.

Хитойнинг етакчи “Синьхуа” ахборот агентлиги пандемиядан кейинги даврда туризм соҳасини тиклаш ва янада ривожлантириш, ШХТнинг ягона туризм брендини шакллантириш ва уни тарғиб қилиш бугунги замон кун тартибидидаги энг долзарб масалалардан бири эканлигини ёзди. Хусусан, янги туристик маршрутлар ва мавжуд йўналишларни “хавфсиз туризм” нуқтаи назаридан такомиллаштириш, шунингдек, туризм соҳасида инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича тажриба алмашиш зарурлиги муҳокама қилинганга эътибор қаратган.



Хитойнинг “Жэньминь Жибао” газетасида ушбу учрашув ШХТ доирасида туризм соҳасидаги ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги ва юқори босқичга кўтаришнинг ўзига хос платформасига айлانгани таъкидланади. “Бунинг учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуд. Шу нуқтаи назардан, ШХТ доирасида кўп қиррали шериклики ривожлантириш бўйича давлатлар раҳбарлари томонидан белгиланган берилган келишув ва вазифаларни амалга оширишда идоралар ўртасидаги доимий ва тўғридан-тўғри алоқалар муҳимлигини алоҳида таъкидламоқчиман”, дея видеоонференция шаклида иштирок этган ШХТ Бош котибининг сўзларидан иқтибос келтирилади нашрда.

Қозоғистоннинг асосий ахборот маҳкамаси саналган “Казинформ” давлат ахборот агентлиги томонидан узатилган материалда ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида Буюк Ипак йўлининг трансгеографик сайёҳлик йўналишини илгари суриш нуқтаи назаридан ушбу учрашув муҳимлиги таъкидланган.

Россиянинг “РИА Новости” ахборот агентлиги хабар беришича, йиғилиш давомида Ўзбекистон томони ташаббуси билан ишлаб чиқилган “ШХТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлиги ривожлантириш тўғрисидаги битим” лойиҳаси маъқулланган. Агентлик мазкур ҳужжатнинг тузилма доирасидаги соҳавий мулоқотлар учун асос бўлиши мумкинлигига эътибор қаратади.

“Россия томони битимнинг имзолалишини тўлиқ қўллаб-қувватлади. Ишончли компли, ШХТ минтақасида туризм саноатини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари, мақсад ва вазифаларини жамлаган мазкур ҳужжат ташкилот доирасида соҳавий мулоқотни янада ривожлантириш учун яхши асос бўлади”, дея агентлик Туризм федерал агентлиги раҳбари Зарина Догузова сўзларини келтиради.

3

Ўзбекистон — Озарбайжон: МАҚСАДЛАР МУШТАРАК, ҲАР СОҲАДА ҲАМФИКР ВА ЯҚДИЛМИЗ



Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги стратегик ҳамкорлик алоқалари барча соҳада фаоллашди, янада ривожланиб, мустақамланди. Аслида ҳам бизнинг тилимиз, динимиз, илмларимиз бир. Бу юртининг Имом Термизий, Имом Бухорий, Мотуридий, Ибн Сино, Беруний каби буюк

алломалари бизнинг ҳам бобомиз.

Ўзбекистон ҳамда Озарбайжон тарихи, бу — бизнинг миллатларимиз тарихи. Уни икки дўст миллат вакиллари жуда яхши билади. Ёш авлод онгу шурига бу тарихни, муштарак маданиятни янада чуқур сингдириш ҳам бизнинг вазифамиз. Мустақамланиб бораётган ўзаро ҳамкорлик алоқаларимиз шу мақсадга эришишимизда ўз самарасини беришига ишонаман.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон туркий тили давлатлар орасида бизга энг яқини ҳисобланади. Ўзбекистон ҳамда Озарбайжон халқларини умумий илдишлар бирлаштиради. Бугунги кунда давлатларимиз БМТ, Туркий давлатлар ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти, МДҲ ва бошқа халқаро ҳамда минтақавий тузилмаларда қўллаб-қувватлаб масалалар юзасидан яқдид, ҳамфикр.

Ўзбекистоннинг дадил сиёсати Озарбайжонни ҳам илҳомлантиради

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддинжон Исмоилов бошчилигидаги делегациясининг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси учинчи конференциясида қатнашиш учун Озарбайжонга қилган ташрифини шу нуқтаи назардан баҳолаган бўлардим.

Эшитув

КАМЧИЛИКЛАР ҲАМОН САҚЛАНИБ ҚОЛАЁТГАНЛИГИ ТАНҚИД ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг қўшма мажлисида коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳудудий давлат органлари раҳбарларининг ахборотлари эшитилди.

Қайд этилганидек, ҳудудий органлар томонидан “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун, Президент Фармон ва қарорлари асосида ишлаб чиқилган тегишли давлат дастурлари ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилган.

3

ТРАНСФОРМАЦИЯ

БАНК СЕКТОРИ РАҚОБАТДОШЛИгини ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Бугун бирор соҳа ёки тармоқни ахборот технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Шу пайтгача вақт ва маблағ талаб қилган маълум хизматларнинг бир зумда масофадан туриб бажариш имконияти мавжудлиги жуда катта қўлайлик ва замонавийликдан далолат беради. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, айни пайтда мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол қўллаб-қувватлаш, барча тармоқ ва соҳаларда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу орқали нафақат қўлайлик яратилмоқда, балки миллий иқтисодиётимиз тармоқлари рақобатдошлиги ҳам ортмоқда.

Таҳлил

Юқсалишнинг энг қисқа йўли

Рақамлаштириш ахборот-технологияларини жорий этиш қўламини билан чамбарчас боғлиқ бўлса-да, ўзига яраша ташкилий ҳамда стратегик ўзгаришларни ҳам тақозо этади. Шунинг учун ҳозир рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда янгича иш услубига ўтиш, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари ёрдамида ташкилий жиҳатдан янгиланишга катта эътибор қаратиляпти. Давлат раҳбарларнинг таъбири билан айтганда, “Тараққиётга эришиш учун рақамли билмлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт.

Бу бизга юқсалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда”.

Мамлакатимизда 2020 — 2022 йилларда “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”да банк сектори олдиға қатор вазифалар қўйилган. Хусусан, масофадан кредит маҳсулотларини реализация қилиш, омонатлар ва ҳисоб рақамларини очишни ўз ичига олган кенг турдаги онлайн хизматлар кўрсатишни таъминлаш орқали тижорат банкларининг рақамли трансформациясини якунига етказиш бўйича вазифалар ижроси ҳаётга татбиқ қилинди. Натижада

мижозлар молиявий ресурсларини бошқаришни, омонатларга пул маблағларини жойлаштиришни, кредит расмийлаштиришни орқича овозгарчиликсиз масофадан, банкларга ташриф буюрмасдан амалга ошириши мумкин бўлди. Бугунги босқичда молия муассасалари масофавий банк хизматлари (интернет-банкнинг, банк-мижоз, смс-банкнинг ва бошқалар), шу жумладан, мобил иловалар орқали хизмат кўрсатиш қўламини ва сифатини ошириш борасида катта ютуқларга эришди. Эътиборлиси, автоматлаштирилган банк тизими дастурий мажмуасини модернизация қилишга катта эътибор қаратиш орқали тижорат банклари миқозларнинг ишончини қозонишга эришилмоқда.

Бундан ташқари, миқозларни жалб қилиш, уларни банкда ушлаб қолиш ҳамда банк маҳсулотларини етказиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида миқозлар билан муносабатларни бошқариш тизими (CRM)ни амалиётга татбиқ этиш, “Хавфларни бошқариш” ахборот тизимини жорий қилиш, кредит ажратиш бўйича таҳлилий маълумотларни автоматик тарзда юритувчи скоринг тизимини қўллаш, (AML Antifraud) жиноий фаолиятдан олгиндан даромадларни легаллаштириш ва турли фирибгарликларга қарши курашиш тизимини жорий этиш каби вазифалар муваффақият билан амалга ошириляпти.

3

ҚАЛЬ ҚЎРИ, КЎЗ НУРИ, ҚЎЛ СЕҲРИ

Бухорода халқаро зардўзлик, заргарлик ва каштачилик фестивали давом этмоқда.



Халқ амалий санъати миллий кадриятларимизнинг ажралмас бир қисми саналади. Кейинги йилларда уни асраб-авайлаш, хунармандчиликнинг унутилган турларини қайта тиклаш, “Устоз — шогирд” аънадаларини давом эттириш йўлида катта ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз томонидан хунармандчиликка қаратилаётган эътибор, берилган имтиёзлар, ажратилаётган кредитлар ва бегараз субсидиялар тўғрисида соҳа равақ топмоқда. Бухоро шаҳрида ўтаётган зардўзлик, заргарлик ва каштачилик фестивали қатнашчилари бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қияпти. Эътиборлиси, хунармандчилик ривожини йўлида бажарилган кенг камровий ишлар халқаро миқёсда эътирофга сазовор бўлмоқда. Инчунин, тадбирга дунёнинг 58 давлатидан вакиллар ташриф буюргани ҳам бежиз эмас.

Фестиваль

Хар лаҳза эсда қолади кечмоқда

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 29 апрелдаги қарорига мувофиқ ўтказилаётган халқаро фестиваль қатнашчиларнинг Арк кўрғонидан Нодир Девонбеги мадрасасигача бўлган 1,2 километр масофада тантанали юриши билан бошланди.

Халқ амалий санъатининг энг яхши аънадаларини ривожлантириш, зардўзлик ва заргарликнинг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, ўзаро тажриба алмашиш, хунармандчилик мактабларини сақлаш ва қайта тиклаш, ҳудуднинг сайёҳлик салоҳиятини янада ошириш каби олжанов мақсадлар кўзда тутилган мазкур тадбирда хориждан 112 на-

фар, мамлакатимизнинг барча ҳудудидан 288 уста, шунингдек, қўллаб-санъатшунослар, тарихчи, дизайнер ва экспертлар иштирок этмоқда.

Шундай мутахассислардан бири, Россиядаги Шарқ давлат музейи катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди Екатерина Ермакованинг фикрича, XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухорода иқтисодий-иқтисодий жабҳада рўй берган ўзгаришлар минтақада заргарлик санъатининг шаклланиш жараёнида муҳим роль ўйнади. Буни биргина Тоқи Заргарон иншооти мисолида ҳам билса бўлади. Мазкур тарихий бинода қўллаб-қувватлаш фаолият кўрсатган, ўзлари тайёрлаган маҳсулотлар савдоси билан шуғулланган. Шарқ давлат музейида ҳозир Ўрта Осиё халқ амалий

санъатига оид бой коллекция мавжуд. Эътиборлиси, фестивал хорижий сайёҳларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

— Индонезиядан келдим, — дейди ўзини Веби Журмавати деб таништирган меҳмон. — Юртингизда илк бор бўлишим. Ислам оламида беназир зот саналган Имом ал-Бухорий таваллуд топган Бухорони зиёрат этиш кўп йиллик орзуим эди. Ниятимга етганимдан хурсандман. Ушбу байрамона фестивал, кўтаринки рух, одамлар чехрасидаги табассум, халқингизнинг меҳмондўстлиги мени Бухорога илсиз боғлаб қўйди. Халқ амалий санъати усталарига тасанно айтаман. Бу ерда ўтаётган кунларимнинг ҳар бир лаҳзаси мен учун эсда қолади кечмоқда.

4

Ўзбекистон — Озарбайжон:

МАҚСАДЛАР МУШТАРАК, ҲАР СОҲАДА ҲАМФИКР ВА ЯКДИЛМИЗ

Ташриф доирасида Ўзбекистон Республикасининг парламент аъзолари Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев қабулида бўлди. Учрашув кўтаринки ва самимий руҳда ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари Илҳом Алиев Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни ҳар доим қардоши, биродари сифатида эътироф этади. Ахир Ўзбекистон Республикаси Президентининг мустақил сиёсати, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалардаги ўз қатъий нуктаи назарига Жанубий Кавказдаги қардош Озарбайжонда бефарқ қараб бўлмайди-ку! Ўзбекистоннинг дадил сиёсати туркий Озарбайжонни ҳам илҳомлантиради. Шу маънода, Илҳом Алиев пандемиядан кейинги илк расмий ташрифни Ўзбекистондан бошлаши ҳам беҳиз эмас, деб ўйлайман.

Охириги йилларда икки мамлакат давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси, кўп йиллик оқилона сиёсат туйғайли ҳамкорлик муносабатларимиз сифат жиҳатидан янги даражага чиқди.

Жумладан, парламентларо ҳамкорлик фаоллашди. Озарбайжон ва Ўзбекистон қонун чиқарувчи органлари вакиллари ўртасидаги ўзаро ташрифлар ҳамда халқаро парламентларо тузилмалардаги алоқаларимиз мазкур соҳадаги ҳамкорликка кенг йўл очди.

Умуман, Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий, демократик янгиланишлар ва парламентаризмни ривожлантириш соҳаларидаги ислохотлар, шунингдек, халқаро миёёсдаги ташаббусларни юқори баҳолайман.

Парламентларо яқин ва кўп қиррали шериклик

Ўзбекистон ва Озарбайжон парламентлари ўртасида яқин ҳамда кўп қиррали

шериклик йўлга қўйилгани ҳам ушбу ижобий натижаларга хизмат қилмоқда. Буни янада ривожлантириш учун икки мамлакат қонун чиқарувчи органларининг тизимли ва мустақкам алоқаларни мустақамлаш зарур. Айни пайтда парламентлар Ўзбекистон ва Озарбайжон халқларининг бевосита вакиллари сифатида “халқ дипломатияси”ни илгари суриш, шу жумладан, ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни мустақамлаш, иқтисодий ҳамда гуманитар лойиҳаларни қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутиши керак.

Бу мураккаб иш эмас. Назаримда, ўзбеклар ва озарбайжонларнинг миллий табиати катта ўхшашликка эга. Ўзбек халқи ҳамда Озарбайжон халқининг маданияти умуминсоний қадриятларга таънади: инсонпарварлик, адолат, аъналарга садоқат, бағрикенглик, тараққиёт ҳамда фаровонликка интилиш; тилларимиз умумий илдизли, бизнинг муқаддас динимиз ислом — тинчлик ва яхшилик дини; қолаверса, менталитетларимиз ҳам ўхшаш: оилапарварлик, она-Ватанга муҳаббат, жамият олдида қарздорлик ҳисси ва бошқалар.

Мамлакатларимиз кўп миллатли, бу ерда турли этнослар, халқлар ва диний қонфессиялар вакиллари истиқомат қилади. Ўйлашимча, келажақ авлод фаровонлиги йўлида икки томонлама муносабатларни янада мустақамлаш ҳамда кенгайтиришимиз керак. Халқларимиз бир-бири ҳақида кўпроқ билишлари учун кўлимиздан келганини қилишимиз. Буни асосий вазифа сифатида кўриб, бу хайрили иш йўлида бор қучимизни берамиз.

Мен парламентларо ҳамкорлик изчил ривожланаётгани, икки давлат қонун чиқарувчи органларида дўстлик гуруҳлари фаолият кўрсатаётганилигини алоҳида тилга олмакчиман. Биз, депутатлар олдида юқори даражадаги икки томонлама келишувларнинг амалга оширилишини таъминлаш, шу жумладан, парламент-

ларнинг савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ҳамда бошқа соҳалардаги қўшма лойиҳаларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш бўйича ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш вазифаси турибди.

Шунингдек, парламентларнинг мутасадди қўмиталари ва комиссиялари ўртасида яқин алоқаларни ўрнатиш, парламент делегациялари ўзаро ташрифлари ни кенгайтириш ҳам мақсадга мувофиқ.

Эътиборли жиҳати, Ўзбекистон Озарбайжоннинг ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини доим қўллаб-қувватлаб келади. Бундан биз минтадорнинг, албатта. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Қорабонни қайта тиклаш лойиҳаларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Ўзбекистонлик депутатлар билан учрашуви чоғида Илҳом Алиев Фузулий шаҳрида Ўзбекистоннинг Озарбайжон халқига тўғрива сифатида замонавий умумтаълим мактаби қуриб бериш ҳақидаги қарори учун Ўзбекистон Президентига алоҳида миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов раҳбарлигидаги депутатларнинг мамлакатимиз Миллий Мажлиси Раиси Соҳиба Гафарова билан учрашуви ҳам самимий ва дўстона руҳда ўтди. Учрашувда икки қардош парламент ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш ва кенгайтиришга қаратилган режалар юзасидан яқдил битимга келишилди.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеясининг учинчи Бош конференцияси “Пандемиядан кейинги даврдаги ҳамкорлик: муаммолар ва қайта тикланиш имкониятлари” мавзусига бағишланди. Ушбу Конференция ҳам ИХТга аъзо давлатлар парламентлари бир-галликда кўраётган савй-ҳаракатлар доирасида бўлиб ўтгани эътиборга молик. Анжуманда 2021 йил 28 ноябрда

Туркменистоннинг Ашхабод шаҳрида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг ўн бешинчи саммитида аъзо мамлакатлар раҳбарлари томонидан эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича парламентларнинг янада фаол иштирок этиши лозимлигига алоҳида ургу берилди. Бош конференциянинг яқиний ҳужжати — Боку декларацияси қабул қилинди.

Қардош мамлакатлар халқимизни қўллаб-қувватлаб тургани бизга алоҳида куч бағишлайди

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеясининг учинчи конференцияси доирасида Ўзбекистон делегацияси аъзоларининг Қорабоннинг Шуша шаҳрига саёхати амалга оширилди, меҳмонлар Қорабон ўлкасидаги тикланиш ишларини бевосита ўз кўзлари билан кўриш имкониятига эга бўлдилар.

Қувонарлики, бугун Шушада тиклаш ишлари бошланиб кетган. Шаҳарда газ ва ичимлик суви тармоқлари янгиланмоқда, ижтимоий объектлар таъмирланыпти. Қисқача айтганда, ҳаёт аста-секин изига қайтмоқда. Қўдратли техникалар тепаликларни кесиб, янги асфальт йўл қураётир. Электр энергияси таъминоти тикланмоқда.

Ҳадемай уйлар қайта қурилади, боғу хиёбонлар, мактаблар, масжидлар бунёд этилади. Бунинг учун Озарбайжонда молиявий ресурслар етарли, энг муҳими, халқимизнинг иродаси мустақкам, руҳан тайёр, қолаверса, мана шундай қийин даъмларда ҳам Ўзбекистон қаби қардош ҳамда дўст мамлакатлар халқимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб тургани бизга алоҳида куч бағишлайди.

Маданий алоқаларимиз бугун ҳам бардавом

Халқларимизнинг тарихий илдизлари туташ, миллий аъналаримиз, урф-одатларимиз яқин, тил ва динимиз бир. Узоқ тарихдан буён ўзбек ва озар халқлари маданий ришталарни умумий қадриятлар сифатида эъозлаб келмоқда.

Айтиш лозимки, нафақат ўзбек, балки бутун туркий халқлар адабиётининг буюк намояндаси, мутафаккир шоир, олим, давлат ва жамоат арбоби, илм ва адабиёт ҳоҳмиси, ҳазрат Навоий озар халқи фахри Низомий Ганжавий аъналарининг давом эттириб, илк бор туркий тилда “Ҳамса” достонини яратган. Достонларида ҳазрат Низомийни фахр билан тилга олиб, унга чексиз ҳурмати, ихлосини баён этган.

Озарбайжон адабиётининг улуғ вакилларидадан бири — Муҳаммад Фузулий Алишер Навоийни ўзига устоз билиб, унга эргшиб, газалларига назирлар битди. Қувонарлики, адабий, маданий алоқаларимиз бугун ҳам бардавом, кейинги йилларда янада ривожланди.

Масалан, яқинда Бокуда Алишер Навоий меросини тадқиқ этувчи илмий марказ очилди. Ўзвучи-шоирларимиз, макомчиларимиз, маданиятимизнинг атоқли намояндалари Ўзбекистонда ўтаётган турли тадбирларда мунтазам қатнашиб келади. Озарбайжонда ҳам атоқли ўзбек адабиёти вакиллари нинг ижодий меросига бағишланган илмий-адабий тадбирлар ўтказиш аънаъага айланган.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси делегациясининг Озарбайжон Республикасига амалга оширган дўстона ташрифи икки қардош давлатлар ўртасида кенг қамровли сиёсий-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни, парламентаризм йўналишидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Мушви **ЖАҒАРОВ**, Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси депутати.

Мулоҳаза

ТИББИЁТ ҲАМИША ЭЪТИБОРДАГИ ТИЗИМ

Коронавирус пандемияси инсониятга кўп сабоқлар берди. Шулардан бири, шубҳасиз, тиббиёт ходимлари меҳнати қадрлаш, уларга қулай ва муносиб шарт-шароитлар яратиш қанчалик муҳим эканини тушуниш бўлди.

Эътибор ва ғамхўрлик вақтинчалик эмас, доимий тус олгани эса янада қувонарли.

Шу йил 17 май куни Президентимиз томонидан қабул қилинган “Тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришни қулайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон юртимизда соҳа ходимларининг меҳнати доимо муносиб қадрланишининг яна бир исботи бўлди, десак, муболага бўлмайди. Айни чоғда тизимда меҳнатга қараб рағбатлантириш механизмлари фаол жорий этилмоқда, соғлом рақобат муҳити ҳам юзага келаётир. Хусусан, фармацевтика ва тиббиёт муассасалари ходимларининг маошлари тариф коэффицентларини тегишинча 1,15 ва 1,1 баробар кўпайтириш орқали, тоифасига қараб, 10 — 15 фоизга оширилмоқда. Яъни иш ҳақи ўртача 2 — 2,5 баравар ошадиган бўляпти. Илмий унвони бор шифокорларнинг ойлик маошлари фан докторларига 60 фоизгача, номзодларга 30 фоизгача қўшиб берилиши кўрсатилди. Бу соҳа ходимлари ўз устида ишлаши учун жуда катта мотивация бўлади.

Энди иш бошлаган, лекин тиришқоқ, салоҳиятли ёш шифокорлар иш ҳақиға ойлик ус-

тамалар, оилавий шифокорлик пункти ва оилавий поликлиникаларда иккинчи сменда ишлаганларга 30 фоиз устамалар қўшиб берилиши белгиланган.

Ҳужжат билан тиббиёт муассасалари масъулларини шу вақтгача ўйлантириб келган яна бир масала адолатли ҳал этилмоқда. Ҳозиргача моддий рағбатлантириш жамғармаси умумий фонддан 5 фоизгача бўлиб, унинг 25 фоизи ходимларни рағбатлантиришга йўналтирилиши мумкин эди. Эндиликда Фармон асосида биринчи кўрсаткич 10 фоизга етказилиб, унинг 75 фоизи ходимларни моддий рағбатлантиришга, 25 фоизи моддий-техника базасини ривожлантиришга йўналтирилиши мумкинлиги белгиланди.

Тиббиёт муассасаларида ишловчи ходимларнинг бирламчи ва профиллактик тиббий кўриклари бепул ўтказилади, бунинг учун бюджетдан алоҳида маблағ ажратиладиган бўлди.

Мухтасар айтганда, Фармон тиббиёт ходимлари даромадини ва меҳнати самардорлигини оширишга, пировардида салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Қизилгул ҚОСИМОВА, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

БИР ҚАНЧА МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛДИ

Халқ билан тез-тез учрашиб, юзма-юз мулоқотларда улар билан фикрлашиб, фикрларининг мурожаатлари, тақлифларини ўрганиш ҳудудлардаги ижтимоий ҳаётнинг долзарб масалаларини аниқлашга ёрдам беради. Зеро, маҳаллама-маҳалла юриб, одамларнинг дарду ташвишини эшитиш орқали аҳолининг яшаш шароитлари тубдан яхшиланади, кўп йиллик муаммоларга ечим топилади.

Халқ билан мулоқот

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Баҳромжон Раҳмоналиевнинг Олтиқўрғани “Бурбонлик” маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси билан учрашуви давомида сайловчилардан электр энергияси таъминотида юзага келадиган узил-кесил, трансформатор носозлиги, қўлбола симёғочлар ва бошқа шу каби масалаларга оид муножаат келиб тушганди.

Халқ вакили ушбу масалаларни ўз назоратиға олиб, мурожаат юзасидан “Худудий электр тармоқлари” АЖга депутатлик сўрови юборди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай,

худуддаги трансформатор таъмирланди, қўлбола симёғочлар янгиларига алмаштирилди. Шунингдек, айнан шу депутатнинг ушбу тумандаги “Муқимий” ва “Полосон” маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси билан мулоқотлари давомида аҳоли вакиллари ичимлик суви масаласида мурожаат қилган эди.

Б. Раҳмоналиев мазкур масала юзасидан ҳам тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юборди. Натижада республика бюджетидан зарур маблағ ажратилиб, сув чиқариш ишлари бошлаб юборилди.

«Халқ сўзи».

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ УЧУН ЗАРУР ЧОРАЛАР КЎРИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Манзура Салимова Фаргона вилоятида олиб борган ўрганишлари давомида Марғилон шаҳар туғуруқ комплексига ҳам бўлди.

Ўрганиш

Бу ерда сенатор мажмуа ходимлари билан муассасани замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш, биноларни реконструкция қилиш ҳамда аҳолига маҳаллали тиббий хизмат кўрсатишга тўсқинлик қиладиган муаммоларга ечим топиш масалаларида фикрланди.

Учрашув давомида тиббиёт соҳасида коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш, бунчага садоқат, аҳоли ишончига эришиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Қолаверса, ходимлар ўртасида қатъий тартиб-интизом, муомала маданиятига риоя қилиш юзасидан тавсиялар берилди.

Бундан ташқари, сенатор Кува туманининг чекка ҳудудида жойлашган, туман тиббиёт бир-

лашмасига қарашли “Обидов” қишлоқ врачлик пунктида бўлиб, тиббий хизмат ҳолати билан танишди. Муҳими, сўхбат асносида ушбу тиббиёт муассасаси биносини капитал таъмирлаш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни юқори даражага кўтариш ҳамда ходимларнинг касбий малакасини ошириш масалаларига масъуллар эътибори қаратилди.

Ўз навбатида, ўрганиш давомида Фаргона туманидаги “Саткак” маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси билан учрашув ўтказилди ва улар мурожаатлари мутасадди ташкилот вакиллари иштирокида муҳокама қилинди.

Маълум бўлишича, бу ҳудуд туман марказидан анча узоқда жойлашган бўлиб, тиббиёт ва таълим муассасаларига ёки ишга бориб келиш қийинчили келтириб чиқармоқда. Бу масала масъуллар иштирокида ўрганилиб, аҳолига



қулайлик яратиш учун зарур чоралар кўришга келишиб олинди.

Шунингдек, сенатор Фаргона шаҳри ва Кува тумани маҳаллаларида ташкил этилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловида ҳам иштирок этди.

«Халқ сўзи».

Муносабат

Бугунги халқимиз олдида кейинги уч-тўрт аср давомида қўлдан бой берилган марраларга тезорқ қимб бориш асосида жаҳоннинг илғор мамлакатлари қаторидан қўли эгаллашдек ниҳоятда оғир, лекин тарихан муқаррар вазифа турибди. Бу вазифани ҳасиллаш, унинг ижросини орта суриш, халқ тилида айтганда, бир илож қилиб бугунги кунни ўтказиш билан андармон бўлиш миллат ва мамлакатга асло шараф келтирмийди. Бинобарин, келажақ авлодлар ҳаммаси учун сизу биздан ҳисоб сўрамоғи муқаррар эканини унуттишга ҳаққимиз йўқ.

Таниқли олим, жанқуяр сенатор Абдурахим Эркаевнинг шу йил 19 майда “Халқ сўзи” газетасида чоп этилган “Маърифатли жамият учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда таянч бўлади” номли фундаментал мазмунли мақоласига мана шу нуктаи назардан ёндашсак, унда баён этилган фикр-мулоҳазалар, илгари сурилган гоя ва тақлифлар қанчалар долзарб эканига амин бўламиз. Мазкур мақола ўзининг серқирралиги, жамият ҳаётининг қўллаб соҳаларини қамраб олиши билан характерланадики, биз ундаги айрим ўринларга тўхталиш билан чекланамиз.

“Қашлоқ халқ на илм-фани, на адабиёт ва санъатни, на таълим-тарбия, турмуш маданиятини равнақ топтира олади, чунки унинг бу борадаги эҳтиёжлари ўсмайди. Мутараққий мамлакатлар таърибаси турмуш фаровонлигини кўтаришининг асосий омилли — бу ўрта синфнинг сон ва сифат жиҳатидан ўсиши эканини кўрсатмоқда”.

Эътибор берсак, кейинги беш-олти йил ичида жисмоний ва ақлий меҳнат қишлари — қурувчи-ишчилардан тортиқ академикларгача, инженер-техниклардан бошлаб ўқитувчи ва шифокорларгача — барчасининг ойлик маошларини кескин ошириш, шунинг эвазига уларнинг меҳнат унвондорлигини юксалтириш, ўз меҳнатидан манфаатдорлик ҳиссини уйғотиш бора-сида жиддий ўзгаришлар юзага келди. Табиатан тадбиркорлик салоҳиятига эга фуқаролар учун эса шахсий бизнесини йўлга қўйиши йўлидаги аксарият тўсқинлар бартараф этилиб, улар фаолиятининг дастлабки даврларида мисли қўрилмаган имтиёзлар тақдим қилинган. Мақсад аниқ — мақола муаллифи орзу қилган ўрта синфнинг сон ва сифат жиҳатидан ўсишига эришиш, шу орқали бутун жамиятнинг маърифий тараққиётига қувват бериш!

Демократик тараққиёт йўлини танлаган мамлакатимиз ақли дунё кенгликларига пайдо бўлаётган ижобий янгилик, инсон онги ҳамда ҳаёт даражасини юксалтирадиган илғор гоя ва қарашлардан ижодий фойдаланиш шари зарур, албатта. Зеро, жаҳоннинг афқор — фирловчи оммаси томонидан илгари сурилаётган жуда кўп самарали, креатив фикр ва тақлифлар бизнинг ҳам иқтисодий, ҳам маърифий манфаат топишмишга хизмат қилиши аниқ. Фақат бу ўринда зукко файласуф А. Эркаев айтган муҳим бир шарт асло ёддан қайтмаслиги керак: “Халқимиз онги, жамиятимиз ҳаёти янгиликларга, илғор бунёдкор гояларга доим очик бўлмоғи лозим. Аммо ўзлигимизни, тилимизни, мил-



лий хусусиятларимизни, идентлигимизни сақлаб қолишимиз шарт”.

Муаллиф бу масалага алоҳида эътибор қаратаётгани беҳиз эмас. Акс ҳолда “дунёга очилиш” деганини ўзлиқни англамаслик, миллий хусусиятларга беписандлик ва ётлик, она тилини унуттиш ҳамда ҳўрлаш деб тушунадиганлар наздидаги “Қаерда қорин тўйса — ўша ер ватан, қим ҳоимийлик қилса — ўшаники ҳақ” англиз қарашлар тарафдорлари мамлакат ва миллат шаънини топташдан ҳам тоймайди.

Шу муносабат билан мафкура, маънавият соҳасининг муҳим аҳамиятини теран англаган мамлакат раҳбарининг қўйидаги сўзларини эслатиш ҳар жиҳатдан ўринлидир: “Буним маънавий ҳаёт, гоявий-мафкуравий иш чиғ кўйибди. Бу бизга галла ёки иштг экиш эмас, уруғни тўпроққа ташладик, бўлди, энди кутамиз, деб қараб ўтирсак”.

Мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди.

Демак, унга доимо маънавий озик керак. Агар шу озикни ўзи яшаётган муҳитдан олмаса ёки бу муҳит уни қониқтирмаса, нима бўлади, айтинглар? Бундай озикни у аста-секин бошқа елдан излайди. Шунга йўли бермаслигимиз керак”.

“Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш яратиш” гоясини мамлакатимизда барпо этилажақ маърифатли жамиятнинг тизим яратувчи бош гояси силарида олға сурган мақола муаллифи, айни эзгу мақсадга эришишинг яна бир муҳими, айтиш мумкинки, асосий шартини шундай ифодалайди:

“Янги Ўзбекистон виждон ва этикод эркинлигини тўлиқ таъминлаган ҳолда бошқарувда дунёвийлик таъминлигига асосланиш зарур... Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш фақат кўп миллатли халқимизнинг дунёвийлик асосида жипслиги ва аҳиллиги орқали амалга ошириш мумкин”.

Муаллифининг бу, ниҳоятда муҳим, ўз тақдирига бефарқ бўлмаган жамият мамлакат ва миллатларини бирдек ўйга толдирадиган масала ечимига оид теран фикр-мулоҳазалари

Сенатор ва ҳаёт МУРОЖААТЛАР БЎЙИЧА МУТАСАДДИЛАРГА ТОПШИРИҚЛАР БЕРИЛДИ

Олий Мажлиси Сенатининг Оролбўйини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси Борий Алихонев Бўзтов туманида ўтказилган йиғилишда маҳаллий Кенгаш депутатлари, ҳокимлик ходимлари, маҳалла ва овул вакиллариға парламент юқори палатасининг йигирма бешинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва қўрилган бошқа масалалар мазмун-моҳиятини батафсил тушунтириб берди.

Қайд этилганидек, қонунларни ишлаб чиқишда уларнинг халқчиллигига, асосий эътибор инсон қадри, эл-юрт ривожига, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган. Шу маънода, мазкур қонунлар иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий ҳимояни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда “Ичимлик суви таъминоти ва оқова суварини чиқариб юбориш тўғрисида”ги, “Ўсимликлар қарантини ва ҳимояси тўғрисидаги қонунчилик тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Жумладан, ҳозирги глобал ўзгаришлар даврида Ер юзиде тоза ичимлик сувиға бўлган эҳтиёж ортиб бораётгани, шу боис ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш, уларни исроф қилмаслик, технологик жараёнларда чекланган тартибда фойдаланиш зарурилги тушунтирилди. Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш, аввало, чекка ҳудудларга ичимлик суви етказиб бериш қамровини ошириш ва пировардида инсон саломатлигини асраш билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама қилинди.

Шунингдек, ўсимлик қарантини ва ҳимояси билан боғлиқ қонунчилик тақомиллаштирилиши муносабати билан экологик муҳит ва ўсимликларни турли салбий таъсирлардан сақлаш ҳамда уларнинг ялпи касаллигини қаби офатлардан ҳимоялаш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Қарантин остидаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташини, қайта ишлаш, реализация қилишда зарарқунданлардан асрашга қаратилган чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, қонунда белгиланган талабларга амал қилмагиллиги учун жавабгарлик муқаррарлиги принципини таъминлаш муҳимлиги ҳам айтиб ўтилди.

Тадбирда Тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ҳақида тушунчалар берилиб, ичимлик суви, оқова суварини локал тозалаш иншоотларини замонавийлаштириш ва ёшлар ҳама болаларга оид дастур бандларида белгиланган масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ўз навбатида, Тараққиёт стратегиясининг 7 йўналиши ва 100 та мақсади, хусусан, ҳар бир йўналиш мақсад-моҳияти очиб берилди.

Шундан сўнг сенатор туман фуқаролари учун сайёр қабул ўтказди. Унда аҳоли томонидан билдирилган тадбиркорликни ривожлантириш, қурилиш ва ҳужжати бўлмаган ўй-жойларни қадстрдан ўтказиш сингари мурожаатлар бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.

«Халқ сўзи».

барларда, айниқса, “ҳеч қим ҳеч нимага жавоб бермайди”, деб ҳисобланадиган ижтимоий тармоқларда тинимсиз қишқирлар сабаб аксарият олий ўқув юртлари таълим дастурларидан ижтимоий-гуманитар фанлар буткул чиқариб юборилди ёхуд кескин қисқартирилди.



Фонд бозори айланмаси кўпайтирилади

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш бўйича устувор вазифа белгилаб олинган. Шунингдек, 2026 йил охиригача давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини яқунлаб, банк активларида хусусий сектор улушини 60 фоизгача етказиш режалаштирилган.

“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” Давлат дастурида иқтисодиётнинг реал секториди, молия, банк соҳаларида ишлаб чиқариш ҳамда операцияларни жараёнларни рақамлаштириш бўйича ҳам алоҳида устувор йўналишлар белгиланган. Манзилли дастур ишлаб чиқилиб, тасдиқланishi шулардан бири.

Бунда молиявий-иқтисодий фаолият самарадорлигини ошириш, корпоратив бошқарувни оптималлаштириш мақсадида ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштириш (ERP), саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ва диспетчерлик бошқарув жараёнларини (SCADA) автоматлаштириш, савдо ҳажмини ошириш ва мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида буюртмачи (мижоз)лар билан ўзаро муносабатларни бошқариш (CRM), банк хизматлари онлайн турларини кенгайтириш ҳамда кредит ажратиш бўйича таҳлилларни автоматик тарзда амалга ошириш бўйича скоринг тизимлари жорий этилади. Натижада манзилли дастур доирасида белгиланган лойиҳаларни амалга ошириш орқали иқтисодиётнинг реал секторидида ҳамда молия ва банк соҳаларида фаолиятни рақамлаштириш даражаси 30 фоизга етказилади.

Етук мутахассислар зарур

“Тараққиёт стратегияси”нинг таълим соҳаси ва инсон капитални ривожлантиришга қаратилган мақсадларидан келиб чиқиб, иқтисодиётнинг реал сектори ҳамда тижорат банклари ахборот технологиялари, компьютер дастурлаш соҳасида 700 нафар мутахассис тайёрланиб, малакаси оширилади. Зеро, мамлакат келажаги етук, билимдон кадрларга боғлиқ.

Соҳада ривожланишининг яна бир муҳим омили сифатида сунъий интеллектни мамлакатимизда муваффақиятли амалга ошириш учун “Сунъий интеллект технологияларини 2023 — 2030 йилларда ривожлантириш стратегияси”ни ишлаб чиқишни кўришимиз мумкин.

«Ўзбекистоннинг ШХТга муваффақиятли раислиги — ташкилот изчил ривожланишининг гаровидир»

Россиянинг “Интерфакс” ахборот агентлиги тарқатган ахборотда таъкидланишича, йилгилиш давомида туризмнинг асосий ва истикболли йўналишларидан бири бўлган “ШХТнинг ички туризми”ни ривожлантириш бўйича келишувга эришилган. Бу жуда кенг имкониятлар очади. Чунки минтақа аҳолиси 3,4 миллиард кишидан ошади. Қолаверса, ҳудудда туризм маҳсулоти жуда хилма-хил ва ноёбдир.

Тожикистоннинг “Ховар” миллий ахборот агентлиги ушбу анжуман ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, интеллектуал салоҳиятни юксалтириш ва мамлакатлар ўзаро сайёҳлар-

ни жалб этишида муҳим платформалардан бири эканлигини таъкидлайди.

Умуман олганда, хорижий нашрлар таъкидлаганидек, ШХТга азво давлатларнинг туризм бўйича вазирилик ва идоралари раҳбарларининг Тожикистонда йилгилиш нафақат муваффақиятли, балки жуда сермаҳсул ва самарали бўлди. Тадбир давомида эришилган келишувлар ШХТ доирасида туризм соҳасида кўп томонлама ҳамкорлиқни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ташқи ишлар вазирлиги Матбуот хизмати.

КАМЧИЛИКЛАР ҲАМОН САҚЛАНИБ ҚОЛАЁТГАНЛИГИ ТАНҚИД ҚИЛИНДИ

Хусусан, 2021 йил ва жорий йилнинг 4 ойи мобайнида аҳоли ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида ҳудудий давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан жами 2 мингдан ортиқ учрашув, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилган. ОАВ орқали тарғибот ишлари ҳам олиб борилган.

Шу каби сай-ҳаракатларга қарамай, айрим камчиликлар сақланиб қолаётганлиги сенаторлар ва депутатлар томонидан танқид қилинди. Масалан, давлат органлари ва ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида коррупцияга қарши курашиш бўйича ўзаро ҳамкорлик ва самарали ижтимоий шериклик тўғри йўлга қўйилмаган. Натижада эса вилоятда мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноятлар 2021 йилда 281 тани, жорий йилнинг 4 ойда эса 64 тани ташкил этган.

Вилоятда бюджет буюртмачилари томони-

дан давлат харидларида оид эълонларнинг “daxid.uz” махсус ахборот порталига жойлаштирилганлиги ўрганилганда, қиймати 8,3 млрд сўмлик 20 та танлов бўйича қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган.

Тадбирда шулардан келиб чиқиб, истиқболдаги долзарб вазифалар кенг таҳлил қилинди. Хусусан, порахўрлик, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш каби ҳолатлар, турли идоралар ва аҳоли орасида тарғибот ишларининг самарадорлигини ошириш, улар фаолиятининг молиявий натижаларини очиб берадиган, коррупцияга қарши чораларни ошқор этишни таъминлайдиган механизмни жорий этиш бўйича ички назоратни йўлга қўйишни таъминлаш, давлат органлари ходимлари ўртасида манфаатлар тўқнашувиининг олдини олиш каби таъсирчан чоралар кўриш лозимлиги таъкидланди.

Қўшма мажлисда муҳрамаа этилган масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ларли қисқартиради. Бу, ўз навбатида, банк тузилмалари ва ходимлар сонини қисқартиришга олиб келиши мумкин. Бироқ бу жараёнда банк ходимларининг рақамли компетенцияларини ривожлантириш, технологик малакаларга эга ходимлар ва рақамли трансформация учун инфратузилмаларга қўшимча инвестиция қилиш талаб этилади.

B2B бозорлар (marketplaces) чакана истеъмолчилар сингари қорхоналар ҳам қўлай онлайн харид қилиш тахрибаси ва турли тўлов усулларига муҳтож.

Иқтисодиётни рақамлаштириш “рақамли давлат”ни ривожлантиришга ёрдам беради. Бунда “аҳоли ва бизнес билан ўзаро ҳамкорлик” тамойили ўзгаришсиз қолади. Бундан ташқари, бу коррупцияни бар-тараф қилади, вақт ва пулни тежайди. Бундай пайтда умумий IT платформаларни яратиш рақамли ечимларни яратишга олиб келади, уларни биргаликда қидиришни рағбатлантиради.

Маълумотларга кўра, сўнгги ўн йил давомида жаҳон микёсида рақамли форматда кўрсатилётган молиявий хизматлар истеъмоли сезиларли ошган. Фиркимизча, мазкур жараёнинг фақатгина COVID-19 пандемияси билан боғлаш ҳам тўғри бўлмайди. Бинобарин, пандемияга қадар ҳам банк шохобчалари асосида кўрсатиладиган аъъанавий хизматлар ўз ўрнини аллақачон онлайн хизматларга бўшатиб бериши муқаррар эканлиги ойдинлашиб қолган эди.

Шунга қарамай таъкидлаш ўринлики, пандемия мавжуд тенденцияни янада жаддалаштиришга хизмат қилди. Банк мижозлари учун аллақачон мавжуд бўлган баъзи инновациялар, хусусан, банк хизматлари ва тўловларнинг контактсиз шакллари, ижтимоий масофани сақлаш одатий ҳолга айланганда тўсатдан жуда жозибали кўриниш олди.

Пандемия бошлангандан 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигига қадар Европа банк секторининг рақамли фойдаланувчилари 23 фоизга ошганлиги ҳам бунга тасдиқлайди. Махсулотлар, хизматлар ва бизнес-жараёнларни рақамлаштириш молиявий хизматлар бозорининг янги иштирокчиларига қўймат занжири моделини кескин ўзгартирмасдан аъъанавий рақобатчилар тақдим этадиган қийматни етказиб беришга ва ҳатто уни кўпайтиришга имкон беради. Бундай рақамли инновациянинг мақсади — энг сўнгги мижозга қадар янги бизнес модели орқали ор-тиқча капитал қўйилмалар, тартибга со-

лиш талаблари ва бошқа тўсиқларсиз юқори қийматни таъминлаш ҳисобланади.

Банклар ва компаниялар бирлашуви нима беради?

Бугунги кунда мамлакатимизда, умуман, дунё иқтисодиётида банклардан ташқари, “Fintech” — молиявий хизматлар кўрсатувчи компаниялар ҳам мавжуд. Улар бир томондан, микёс самараси шаклида даромад келтириши ва молиявий хизматларнинг самарадорлигини ошириши мумкин. Бироқ баъзи иштирокчилар ушбу даромадларни олишда бошқаларга қараганда кўпроқ имкониятга эга бўлиши ва натижада тенгсизлик юзага келиши мумкин.

“Fintech” саноатни шакллантирувчи технологиялар бўлиб, унинг таркибида сунъий интеллект, блокчейн, булутли ҳисоблаш технологиялари, буюмлар интернет, бизнес жараёнларининг роботлашган автоматлашуви (RPA) кабилар хизмат қилмоқда.

“Fintech” компаниялари тижорат банклари учун хиддий рақобатни юзага келтираётган соҳа тўлов хизматлари бўлиб қолмоқда. Лекин тўлов хизматлари соҳасига янги иштирокчиларнинг кириб келиши учун тўсиқларнинг деярли мавжуд эмаслиги, технологик мослашувчанлиқнинг (technological agility) юқорилиги “Fintech” компаниялари фаоллашишига шароит яратмоқда.

Нобанк институтларга нисбатан мутлақ устунлик тижорат банкларининг тўлов тизимида иштирок этиш имконияти билан таъминланган бўлса, рақамли молиявий технологияларнинг ривожланиши банкларнинг бундай устунлиқдан маҳрум бўлиши эҳтимолини юзага келтирмоқда.

Шу боис йирик банк муассасалари тўлов хизматларини кўрсатувчи компанияларни қўшиб олиш стратегиясини маълум қийлаётганликлари ҳам бежиз эмас. Зеро, банклар тўлов хизматлари соҳасидаги рақамли инновацияларни кенг жорий қилган компанияларни қўшиб олиш баробарида, синергетик самара орқали мижозларига янада яхшироқ шароитларда қиймат етказиш имкониятига эга бўлади.

Маълумот алмаштириш молиявий хизматлар соҳасида банклар ва техник компаниялар ўртасидаги рақобатнинг асосига айланар экан, иккала томоннинг ушбу маълумотлардан қандай фойдаланиши етакчи мик бўлишини аниқлашга хизмат қилади. Айни пайтда тижорат банклари узоқ муддатли мижозлари билан муносабатлари ҳисобига баъзи устунлиқларга эга бўлса, технологик компаниялар улкан маълумотларни бошқаришда афзалликларга эга.

Рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банклари ўз мижозлари билан яқинроқ муносабатда бўлиши, яъни операциялар мукамаллиқдан стратегик хизматдан мижозлар яқинлигига йўл танлаши мумкин. Бироқ йирик тижорат банклари ах-

борот-коммуникацион технологиялари борасида кичик банкларга нисбатан муайян устунликка эга бўлгани ҳолда, кўпроқ транзакция самарадорлиги ва харажатларга эътибор қаратишини ҳам ҳисобга олиш зарур. Бу эса хизматга йўналтирилган стратегияга зиддир.

Шундай қилиб, банк фаолияти тез ўзгариб бормоқда ва етакчи банклар асосий банк хизматларини кўрсатишдан мижозларга йўналтирилган хизматларни тақдим этишга ўтмоқда. Бунга қўйидаги учта омил асос бўлади:

биринчиси, хизмат агрегаторларига талаб. Мижозлар маҳсулотни кўриш учун бир жойга боришни, молияни таъминлаш учун бошқа жойга ва суғурта олишни истамайди. Ҳатто автоматбиллар ва баъзи ҳолларда уйлар каби йирик харидлар учун ҳам. “AutoFi” каби платформалар бунга ҳал қилади;

иккинчиси, мижозлар эътиборини қозониш учун тахриба омилга эътибор қаратадиган GAFAA (Google, Apple, Facebook, Amazon and Alibaba) фирмалари ва необанкларининг ёндашуви. Ушбу юқори технологияли рақобатчилар мижозларга қўлай, арзон ва тезкор усулларда молиявий хизматлар кўрсатиш орқали бу майдонга ўтмоқда;

учинчиси, Интернет ва электрон тижорат тўғрйли ўзгаришларнинг тезлашиши. Сўнгги ўн йил ичида қўллаб молиявий стартаплар бозорларни ишга туширишди, GAFAA фирмалари эса бир қатор банк хизматларини таклиф қилмоқда.

Умуман, тўртинчи саноат инқилоби деярли барча соҳаларга таъсир қилмоқда. Тижорат банкининг муваффақият қозониши қисман ҳар бир мижоз учун “бир бозор” яратишни талаб қилади. Ҳар бир мижоз ўзига хос профил ва мавқега эга. Гарчи банклар ўз мижозларини гуруҳлашса ҳам, ҳар бири учун маълумотлар — ҳисоблардан портфелгача, транзакцияларгача ноёбдир.

Муҳими, таклиф этилаётган хизматлардан ҳосил бўладиган қиймат

Айтиш жоизки, муваффақият платформа таклиф қилишдан кўра кўпроқ нарсани талаб этади. Муҳими, таклиф этилаётган хизматлардан ҳосил бўлган қиймат бўлиб, унга ҳар бир мижоз қўядиган талабни ўзгартариш орқали эришллади. Яъни улар хоҳлаган нарсани тақдим этиш ва энг фойдали тарзда тўлаш имкониятини таъминлаш тақозо этилади. Логистика бўлмаса, банклар нима бўлишидан қатъи назар, маҳсулот ва хизматларни охиригача етказиб беришининг асосий қисмини таъминлай оладислиги учун ҳеч қандай сабаб йўқ.

Жаҳон иқтисодий форуми (The World Economic Forum)нинг тадқиқотлари

кўрсатишича, “Big Tech” деб номланувчи Amazon, Facebook, Google каби компаниялар fintech сектори билан таққослаганда тижорат банкларининг амалдаги бизнес моделларига юқориқроқ тахдидни юзага келтиради. Хусусан, тадқиқотда молиявий фирмалар ўртасида рақобатдаги фарқларини таъминлайдиган уч муҳим омил сифатида булутли ҳисоблаш, мижозларга мўлжалланган сунъий интеллект ва “катта маълумотлар” асосидиги мижозлар таҳлили тилга олинади (WEF).

Бугунги кунда мижозлар ҳамма ерда ва ҳамма вақт банк хизматларидан фойдаланишни талаб қилишади. Рақамли трансформация жараёнида айниқса, рақамли мижозларнинг хулқ-атвори, танловлари, хоҳиш-истакларини англаш жуда муҳим. Чунки рақамли трансформация банклар учун мижозга йўналтирилганлиқни ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айлантиради.

Мунтазам равишда янги хизматлар устиди изланиш олиб бориш, ҳисоб рақам очиб, балансини текшириш, транзакциялар, кредитлар, микрозаймлар, бойлиқни бошқариш, мижозларни қўллаб-қувватлаш, Omni-channel тажрибасини тақдим этиш тижорат банклари учун кучли рақобат муҳитида муваффақият қозонишининг муҳим шартларига айланади.

“Ҳар бир мижоз учун индивидуал банк” тамойили асосида тижорат банкининг ҳар бир мижозига уларнинг хоҳиши ва хатти-ҳаракати бўйича мижозларга йўналтирилган тажрибани таъминлайди.

Omni-channel ёндашувида мувофиқ, банклар мижозларга кенг турдаги каналлар орқали хизмат кўрсатишни таъминлайди. Хусусан, филиаллар, мобил қурilmалар, видео алоқа, ижтимоий медиа, банкоматлар каби каналлар орқали тижорат банклари мижозлари талабларини қондиришга ҳаракат қилади.

Ҳозирги кунда электрон тўловларни амалга оширишда QR-кодлардан фойдаланиш фаол тарзда олиб бориляпти. Ушбу амалиёт мамлакатимиз тижорат банклари томонидан ҳам кенг қўлланилмоқда. Натижада харидор ўз банк тўлов картасини смартфондаги иловага боғлаган ҳолда савдо тармоқларида харид қилишда ёки хизматлар учун тўловни амалга оширишда банк картасидан фойдаланмай, мазкур илова ёрдамида QR-код-китоб қилади. Ҳисоб-китобнинг бундай усули харидор учун ҳам, сотувчи учун ҳам оддий банк пластик картасидан тўловни амалга оширишдан кўра қўлайроқ, QR-код қўлланилганда картани қабул қилиш учун терминналдан фойдаланилмайди — унинг ўрнини смартфон босади.

Хулоса ўрнида айтганда, бугунги молия муассасалари соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади — тижорат банкларини мижоз учун ишлашга ўргатишдан иборат. Бунда соҳа учун замонавий кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини мунтазам равишда ошириб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

Алишер МИРСОАТОВ, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

ИМКОНИЯТ ВА САЛОҲИЯТ ЕТАРЛИ

Билим — тараққиётга етакловчи куч. Табиийки, бу кучга таянган жамият тараққиётга юз тутadi. Шу маънода, бугунги кунда мамлакатимизда олий таълимни тизимли ислоҳ қилиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар, сайёҳ-ҳаракатлар бежиз эмас. Айниқса, ушбу йўналишдаги ишлар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилаётгани устувор вазибаларни белгилаш, замонавий таймга эга, мустақил фиркли юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга, олий таълимни модернизациялашга хизмат қилаётгани диққатга сазовор. Жумладан, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент Фармони ана шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Фармон ва ижро

Концепцияда белгиланган вазибалар ижросини таъминлаш мақсадида университетимизда ижтимоий-иқтисодий тармоқлар эътиёжларидан келиб чиққан ҳолда, фан ҳамда ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш мақсадида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновация фаолиятини самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Кишлоқ ҳўжалиги соҳасида иқтисодиёт ва бухгалтерия ҳисоби бўйича бакалаврлар тайёрлашнинг давом эттириш йўлга қўйилди.

Кишлоқ ҳўжалиги, хусусан, унинг чорвачилик тармоғи озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш билан бирга, аҳолининг турмуш даражасини оширишда муҳим йўналишлардан бири эканлиги барчага яхши маълум.

Шу билан бирга, мамлакатимизда паррандачилик, балиқчилик ва бошқа соҳалар бўйича агрокластерлар ташкил этилиб, тармоқда илмий ёндашувлар ва илгор технологияларни кенг жорий этиш, импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп чорва маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлашни янада рағбатлантириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва таннарҳини пасайтириш, пировардиди аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва даромадларини кўпайтиришга эришиш вазибалари белгиланган.

Уларни амалга оширишда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ҳўжалик йутувчи субъектларда харажатларни ҳисобга олиш, инвестициявий лойиҳаларни таҳлил қилиш, бюджетлаштириш, трансферт (ички) баҳони шакллантириш, ситментар, молиявий, солиқ ва статистик ҳисоботларни тузиш, хорижий ва маҳаллий инвестициялар ҳамда банк кредитларини жалб этиш, ҳўжалик фаолиятини назорат қилиш, ички аудитни йўлга қўйиш, маҳсулот таннарҳи ошиб кетмаслигини таъминлаш, бошқа субъектлар ва шахслар ҳамда ҳўжалик ходимлари билан ҳисоб-китобларни олиб боришда бакалаврлар билан бирга магистратура мутахассисликларига эътиёж сезилади.

Қайд этганимиздек, озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакатимизда доимий эътиборда турган масала. Президентимиз йилгилиш ва учрашувларда бу борада ўз фикрларини билдириб, мутаасаддиларга тегишли топшириқларни беради. Жумладан, шу йилнинг 7 март кунини тармоқ ва ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича жорий йил учун белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш борасида қўйилаётган чора-тадбирларга бағишланган видеоселектор йилгилишида ҳам глобал бозорлардаги нарҳларнинг кескин тебранишини ҳисобга олиб, ички бозорда нарҳлар барқарорлигини сақлаш, энг аввало, аҳолининг етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича



қўшимча чоралар кўриш лозимлиги таъкидланди. Йил бошидан буён озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ўсгани эътироф этилиши баробарида, қўшимча имкониятларни ишга солиш зарурлиги айтиб ўтилди.

Президентимизнинг шу йил 31 мартдаги “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига биноан, Самарқанд ветеринария медицинаси институти

858 квадрат метр майдонга эга университет Ахборот-ресурс маркази фондидида 634 минг 315 нуска китоб мавжуд. Шулардан 212 минг 181 нусхаси ўқув ва илмий адабиётлари, 7 минг 180 та электрон адабиётлар, 83 минг 870 нусхаси бадийи адабиётлардир. У 265 ўринга мўлжалланган 5 та бўлим, 120 та замонавий компьютерлар, интернет, Wi-Fi уланган 2 та ўқув залига эга. Ўқув залида ўқитиладиган фанларнинг аъъанавий ва электрон нусхалари мавжуд. Бу эса талабаларга масофадан туриб ҳам исталган ўқув материалларини олиш имконини тақдим этади. Буларнинг барчаси бизга янги — “Иқтисодиёт” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) ва “Бухгалтерия ҳисоби” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бўйича малакали мутахассислар тайёрлашда имконият ва салоҳият етарли эканлигини билдирadi.

Самарқанд давлат ветеринария медицинасини, чорвачилик ва биотехнологиялар университетини Чорвачиликда иқтисодий самарадорлик ва бухгалтерия ҳисоби кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари доктори.

ҚАЛБ ҚҶРИ, КЎЗ НУРИ, ҚЎЛ СЕХРИ

Бухорода халқаро зардўзлик, заргарлик ва каштачилик фестивали давом этмоқда.

Анъана издошлари

Маълумотларга қараганда, ҳозир республикада миллий хунармандчиликнинг 34 йўналишида 22 минг 515 нафар уста фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг шогирдлари сони эса 116 минг нафардан ошади.

— Хунарлар орасида зардўзлик алоҳида ажralиб туради, — дейди республика “Хуна́рманд” уюшмаси раиси Улугбек Абдуллаев. — Ҳазира хос ноёб тиклиши технологияси, нақш элементлари ва мураккаб композициялари, яратилиш жараёnlари ушбу йўналишда ишлаб чиқарилган ижодий асарлар оригиналчилигини таъминлайди. Бугунги кунда 151 нафар зардўз уюшмасига аъзо. Шуларнинг 73 нафари Бухоро, 26 нафари Самарқанд ва 52 нафари бошқа вилоятлар ҳиссасига тўғри келади. Бухоро ва Самарқанд азалдан зардўзлик хунарининг маркази саналади.

— Давлатимиз бизга шундай қулайликлар яратиб, имтиёзлар бериб турган экан, хуна́рмандчиликни янада ривожлантиришни ўз бурчимиз деб биламиз, — дейди моҳир зардўз Мукаддас Жумаева. — Зардўзликнинг ўттиздан зиёд услубини ўзлаштиригимиз. Мавзу излаб овора бўлмаймиз. Қадимий Бухоронинг ҳар бир осориатикаси биз учун тайёр мавзу. Шогирдларингиз, дейсизми? Ҳозирги кунга қадар қўлимизда 600 дан зиёд қизлар зардўзлик ва патдўзликни ўрганди. Демак, анъаналаримизнинг муносиб издошлари бор. Билсангиз, хуна́р машаққат чектиради, аммо унинг ортидан топишган ризқингиз тоти ўзгача.

Дарҳақиқат, инсон қалб кўри, кўз нури билан яратилган халқ амалий санъати асарларининг қадру қиммати ўзгача бўлади. Буни Анкара (Туркия) етулик институт директори Илкнур Кошбийикнинг сўзларидан ҳам билиш мумкин.

— Худди Бухорода бўлгани каби бизда ҳам қадимдан зардўзлик алоҳида қадрланади, — дейди у. — Юртингизда шундай анжуманинг ўтказилишини эшитиб, зўр иштиёб билан қатнашишга рози бўлдик. Тadbирда беш нафар турк хуна́рманди ўз махсулоти билан иштирок этаётди. Фестиваль биз учун ўзаро тажриба алмашиш нуқтаи назаридан ҳам фойдалидир.

Заргарлик — ижод

Заргарлик санъати ҳам муҳим тармоқ ҳисобланади. Заргарларни “Хуна́рманд” ва “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмалари ўз атрофида бирлаштирган. 707 нафар заргар уюшма аъзоси саналади. Алишер Хайдаров ана шулардан бири. У “Ташаббус — 2009” кўрик-танлови ғолиби. Одатда, у кўп вақтини ижодий сафарларда, хорижий кўргазмаларда ўтказади. Бу гал иш режасини ўзгартирди. Қадрдон устахонасида қолди.

— Шаҳримизда шундай нуфузли тadbир ўтказилаётгани биз, заргарларга кўрсатилган эътибор намунаси, албатта, — дейди уста. — Қўпбал хорижий давлатларда бўлган хуна́рманд сифатида яхши биламан: юрти-

миз заргарлик санъатига қизиқиш бениҳоя катта. Мен шундан келиб чиқиб, Сурхондарё, Хоразм, Қашқадарё заргарлик санъатининг унитулаёзган усулларини ҳам қайта тиклаш саъй-ҳаракатидаман. Фестивалда бир туркум махсулотларим билан қатнашман. Харидорлар бажонидил харид қилишмоқда.

Зардўзлиги заргарлик, каштадўзликнинг ўзаро туташ нуқталари кўп. Барчаси кишидан сабуру тоқат, кунт, иштиёқ, нозик дид, ижодий ёндашув, чуқур билимини талаб қилади. Маатога тулган зар илли нақшлар ёки тилла суви юритилган тақинчоқлар гўзаллик

Ҳамкорлик истиқболлари

Фестиваль дастури доирасида “Анъанавий зардўзлик ва заргарлик, каштадўзлик санъатини ривожлантириш истиқболлари” мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаев, Бутунжаҳон хуна́рмандлар Кенгаши президенти Саад-ал Каддуми ва бошқалар юртимиз халқ амалий санъати-

дири, Ўзбекистон Миллий университети тадқиқотчиси Нодира Шотурсунованинг таъкидлашича, сўнгги беш йилда мамлакатимизда уста хуна́рмандлар сони етти, шогирдлар сони эса тўққиз бараварга кўпайган. Бинобарин, халқ амалий санъатининг гендер масаласи, бандлик муаммосини хал этишдаги ўрни жуда катта.

Фестивалда Марказий Осиё декоратив-амалий санъати мустақил тадқиқотчиси, “Дунё музейларида Ўзбекистоннинг маданий мероси” лойиҳаси таржимони Адам Альбион (АҚШ), дизайнер Асиф Шайх (Ҳиндистон), “Хавар” сиёсий ва ахборот тадқиқотлари

хайрли низоҳат топди. Қўхна кентда давом этаётган халқаро зардўзлик, заргарлик ва каштачилик фестивалида Бухорога “Бутунжаҳон хуна́рмандлар шаҳри” мақоми берилди. Бу ҳақда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ташкил этилган матбуот анжумани чоғида Ўзбекистон Республикаси “Хуна́рманд” уюшмаси раиси Улугбек Абдуллаев маълум қилди.

...Бухорода бўлиб ўтаётган халқаро зардўзлик, заргарлик ва каштадўзлик фестивали дастури доирасидаги тadbирлар давом этмоқда. Фестиваль доирасида шаҳарда зардўзлик маркази ва галереяси музейини ўзида мужассам этган мажмуа очилди. Марказий Осиёда ягона саналган бу ўзига хос зардўзлик мажмуасининг тантанали очилиш маросимида халқаро фестивал иштирокчилари бўлган Туркия, Қозоғистон, Россия, Тожикистон сингари қатор давлатлар вакиллари иштирок этди.

— Халқаро фестивалга тайёргарлик кўраканман, беихтиёр ёшгим, ҳали қизалоқлик давридаёқ қорчўп олдида туриб, қўлимга нина тутган дамлар ёдимга тушиди, — дейди лойиҳа ташаббускори, зардўзларнинг бешинчи авлоди саналган Махфуза Салимова. — Ҳозир ўнлаб шогирдларим бор. Улар яратётган халқ амалий санъати намуналарини кузатиб, муносиб издошларим борлигидан суюнаман. Ҳаётда нималарга эришган бўлсам, ҳаммасини халқ амалий санъати шарофатидан деб биламан. 2013 йилда “Ташаббус” кўрик-танлови ғолиби бўлдим. “Шухрат” медали билан тақдирландим. 2017 йилда “Малика Султон” оилавий корхонасини ташкил қилдик. Энди эса яна бир орзуимиз рўёбга чиқди. Зардўзлик маркази ва музейидан иборат мажмуа барпо этдик.

Уч қаватли мазкур иншоотнинг лойиҳа қиймати 5 миллиард сўм бўлиб, шунинг 1,2 миллиард сўми банк кредитидир. Бу ерда 40 нафар уста ва 60 нафар шогирднинг меҳнат қилиши учун барча қулайлик яратилган. Галереяда зардўзлик намуналарини жамланган. Оилавий корхона махсулотлари АҚШ, Қозоғистон ва Тожикистонга экспорт қилинмоқда. Биргина утган йилда корхона махсулотларини намойиш этиш ва сотиш орқали 150 минг АҚШ доллари миқдорида даромад кўрди.

— Хуна́рдан бахт, обрў-эътибор топган инсон бўлса, менча қил бўлар-да, — давом этади Махфуза опа. — Шуни ўйлаб ўз олдимга яна ўнлаб қизларга зардўзлик сирларини ўргатаман, издошларим сафини кенгайтираман, миллий хуна́рмандчилигимиз шухратига шухрат қўшаман, деган мақсадни қўйдим.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Бундан бир неча ой муқаддам Бухоро шаҳрига Бутунжаҳон хуна́рмандлар Кенгаши президенти Саад-ал Каддуми бошчилигидаги халқаро ўрганиш хайъати аъзолари ташриф буюриб, бу қўхна заминда умргузaronлик қилаётган халқ амалий санъати усталари фаолияти билан яқиндан танишган эди. Ўшанда Саад-ал Каддуми журналистлар билан мулоқотда “Ҳозир дунёнинг 30 та шаҳри “Бутунжаҳон хуна́рмандлар шаҳри” рўйхатига киритилган. Бу рўйхат Бухоро шаҳри ҳисобига кенгайди, деган умиддаман. Негаки, шаҳрингиз бу мақомга муносиб”, дея таъкидлаган эди. Бухорога “Бутунжаҳон хуна́рмандлар шаҳри” мақомини бериш юзасидан ўрганиш ишлари хайрли низоҳат топди. Қўхна кентда давом этаётган халқаро зардўзлик, заргарлик ва каштачилик фестивалида Бухорога “Бутунжаҳон хуна́рмандлар шаҳри” мақоми берилди.



тимсолига айланиб, ҳаётга бўлган меҳру муҳаббатни оширадиган. Халқимиз олтинда қўшнинг битмас-туганмас қудратини, кумушда ойнинг гўзаллигини, марварид, ёқут, зумрад каби тошларда сеҳр кучини ҳис этган. Табиат юртимиздан бу мавданларни дариг тутмаган.

— Ана шунга минг қарра шукр айтасан киши, — дейди шаҳри-сабзлик уста Нодир Маннонов. — Биз ана шундай қимматбаҳо тош ва металлрн қайта ишлаб, уларга сайқал бериб, бежирим тақинчоқлар тайёрлаш-

нинг тарихи, бугунги кундаги равнақи, халқаро ҳамкорлик алоқаради хусусида атрофлича сўз юритди.

— “Марказий Осиё мамлакатлари лидер аёллари мулоқоти” платформаси доирасидаги мулоқотлар жараёнида Ўзбекистоннинг каштадўзлик санъати халқаро фестивалини ташкил қилиш ташаббуси Марказий Осиё давлатлари томонидан қўлла-қувватланган эди, — деди Б. Сайфуллаев.

— Бу анжуман зардўзлик ва заргарлик фестивали билан уйғун

«Бутунжаҳон хуна́рмандлар шаҳри»

Бундан бир неча ой муқаддам Бухоро шаҳрига Бутунжаҳон хуна́рмандлар Кенгаши президенти Саад-ал Каддуми бошчилигидаги халқаро ўрганиш хайъати аъзолари ташриф буюриб, бу қўхна заминда умргузaronлик қилаётган халқ амалий санъати усталари фаолияти билан яқиндан танишган эди.

Ўшанда Саад-ал Каддуми журналистлар билан мулоқотда “Ҳозир дунёнинг 30 та шаҳри “Бутунжаҳон хуна́рмандлар шаҳри” рўйхатига киритилган. Бу рўйхат Бухоро шаҳри ҳисобига кенгайди, деган умиддаман. Негаки, шаҳрингиз бу мақомга муносиб”, дея таъкидлаган эди.

Бухорога “Бутунжаҳон хуна́рмандлар шаҳри” мақомини бериш юзасидан ўрганиш ишлари

Ранг-баранг дастурлардан иборат халқаро фестивалнинг ҳар бир кунини ана шундай қувончли лаҳзалар, ёдда қоладиган учрашувларга бой бўлапти. Якунда эса иштирокчиларни янада ҳаяжонли дамлар кутмоқда. Анжуман охирида энг яхши деб топишган халқ амалий санъати усталари 12 та номинация бўйича тақдирланади. Мукофот жамғармаси 45 минг АҚШ доллари миқдорида белгиланган.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

ЁШ МАҚОМЧИЛАР АНЖУМАНИ

Ўтган йилнинг 16 ноябрида Вазирлар Маҳкамасининг “Бухоро вилоятида ёш ижрочиларнинг “Шашмақом” республика фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тadbирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, бу тadbир ҳар икки йилда бир бор май ойида қўхна ва муаззам кентда бўлиб ўтиши белгиланган.

Санъат

Кеча Бухорода айни шу хайрли тadbир бошланди.

Шашмақом — неча минг йиллик тарихга эга санъат. У халқимизнинг ақлу заковати, санъатга бўлган меҳру муҳабати меваси ўлароқ дунёга келган. Уни асраб-авайлаш, келгуси авлодга етказиш, мақом санъати устозлари тажрибасини оммалаштириш ушбу фестивалдан кўзланган мақсад-муддаонинг негизини ташкил этади. Зеро, бу борада ибратли ишларни амалга оширган ота-боболари-

миз кўп. Шу ўринда истиқлол йўлида жон фидо этган Абдурауф Фитратни эслашнинг ўзи қифоя. Миллат фидойиси саналган Фитрат ўз вақтида “Шашмақом”ни нотага тушириш ишлари ташаббускори бўлган ва бу эзгу йўлда ўз сармоясини ҳам сарфлаган.

Фестивалга келсак, Бухоро шаҳридаги Ёшлар марказида тadbирнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Бухоро вилояти хохими Б. Зарипов юртимизда маданият ва санъатни ривожлантириш, мумтоз ўзбек қўшиқчилигини раванқ топтириш йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталди.



Тadbир муносабати билан ўтказилган концерт дастурида таниқли санъаткорлар, шунингдек, Бухоро ихтисослаштирилган мақом мактаб-интернати жамоаси ўз чиқишлари билан барчани ҳушнуд этди.

Ёш авлодни аҳдоқдорларнинг маънавий меросига ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашга қаратилган фестиваль давом этмоқда.

«Халқ сўзи».



ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

Айни кунларда бутун Ўзбекистон, қўшни республикалар, узoқ ва яқин хориждаги дўст мамлакатларнинг нигоҳи Наманганга қаратилган. Бу йил сайин нуфузи ортиб бораётган халқаро гуллар фестивали тантаналари билан боғлиқ. Қўхна ва навқирон кентда, яна Наманганнинг ўзигагина хос бўлган гуллар сайли. Олтими биринчи бор, бунинг устига халқаро миқёсда нишонланаётган анжуман ҳақидаги хушхабар бутун дунёга таралгани боис байрам меҳмонлари сафи нафақат юртдошларимиз, балки 30 га яқин чет давлатлардан келган инсонлар билан янада кенгайган.

Шуқуқ

Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғидаги мафтункор манзаралар, сериозман томошалардан шодланиш иштиёқидаги инсонларнинг бари гуллар тимсолида нафосатга ошурта шаҳар аҳлининг табиатга меҳри, аҳду шижоатига тасанно айтмоқда.

Анъанавий фестиваль 22 май кунини эрталаб анвойи гуллар билан безатилган икки юздан зиёд транспорт воситаларидан иборат карвон иштирокида шаҳар бўйлаб ташкил этилган ўзига хос автопарад билан бошланди.

Вилоят марказидаги Тинчлик хиёбонида 61-халқаро гуллар фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят фалоллари, чет эл делегациялари, меҳмонлар, ОАВ вакиллари ва блогерлар, кенг жамоатчилик иштирок этди.

Тadbирда вилоят ҳокими Шавкат Абдураззоқов сўзга чиқиб, барчани нафосат байрами билан қўтлади ва ушбу анъанани изчил ривожлантиришдан мақсад ҳудудлар салоҳиятини кўтариш, иқтисодий ва туризм потенциалини оширишдан иборат эканлигини таъкидлади.

— Давлатимиз раҳбарининг ташаббус ва тавсиялари билан бу фестивал халқаро мақомга эга бўлди. Унинг қўлими кенгайиб, дунё миқёсига кўтарилгани нафақат Наманган, балки бутун мамлакатимиз аҳлининг гурур-ифтихорига сабаб бўлмоқда, — деди вилоят ҳокими. Тadbир давомида санъаткорларнинг куй, қўшиқ ва рақсларидан иборат дастур намойиши барчага хуш кайфият бағишлади. Шундан сўнг анжуманининг асосий тadbирлари Бобур боғига қўчди. Вилоят ҳохими раҳбарлигида фалоллар ҳамда меҳмонлар бу ердаги гуллар экспозициялари билан танишиди, гулчилар билан суҳбатлашди. Бир-бириндан мазмунли ва қизиқарли экспозициялар, айниқса, хорижлик меҳмонларда чуқур таассурот қолдирди.

Бу йил маданият ва истироҳат боғига 10 миллион тугдан зиёд гуллар ўтказилди. Уларнинг аксарияти корхона, ташкилот, муассасалар боғбонлари, проффесионал ва ҳаваскор гулкорларга ажратиб берилган майдонлардан жой олган. Ташкил этилган 200 га яқин тематик кўргазмаларнинг ҳар бири юрт ободлиги, халқимизнинг бунёдкорлик фаолияти, ишлаб чиқариш, иқтимоий соҳадаги ютуқларни гул ва чечаклар орқали жонли акс эттирганили билан мазмунли. Одамлар боғни ажаиб сайилгоҳга айлантирган ушбу кўргазмаларни зўр қизиқиш билан томоша қилишяпти.

Байрам қатнашчилари орасида ўзига хос сайилни кўриш учун олис-олислардан келган хориқ фўқаролари ҳам бор.

— Бизда ҳам байрамлар кўп, лекин бунқасини биринчи бор кўришми, — дейди ҳиндистонлик сайёҳ Свити Дингир. — Фестиваль очилиши чоғида намойиш этилган жонли гуллар билан безатилган автоматиналар карвонидан, айниқса, ҳайратга тушидик. Бу бошланғичи экан. Бугун ўзига хос ажиллик билан чулганган катта боғни айландик. Ана гуллару, мана гулзорлар. Нафосат, гўзаликка ошурталикни наманганликлардан ўрганиш керак, деган ҳулосага келдим.

Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги элчиси Даниел Розенблом оиласи билан байрамда қатнашди. — Мен Намангандаги гуллар фести-

валида биринчи маротаба иштирок этияман, — дейди элчи жаноблари. — Бу гулларнинг бетакор гўзаллигини ўзида ҳам этган ажойиб тadbирдир. Ушбу сайилда жилоланган турфа ранглар гўзаллиги баҳор фасли рамзидир.

Бу сингари илиқ таассуротларни қўшни Қирғизистон Республикасининг Ўш, Тожикистоннинг Ҳўжанд шаҳарлари,



мамлакатимизнинг Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва бошқа вилоятларидан келган меҳмонлардан ҳам эшитдик.

Фестиваль доирасида кўргазмалардан ташқари гуллар савдоси ҳам ташкил этилган. Уларда иштирокчилар ўзларига ёққан гул қўчатларини харид қилишяпти. Уйни туманининг Ёрқатай қишлоғидан келган Қосимовлар сулоласига ажратилган жой, айниқса, гавжум. Сулолабосни Абдукарим Қосимов бундан эпик тўққиз йил аввал ташкил қилинган “Гуллар байрами”нинг ташкилотчиларидан бўлган. Унинг фарзанди Раҳимжон Каримов ҳам ота касбини маҳкам тутиб, катта-катта гулзорлар яратди. Ўз навабатида, гулкорликни ўн бир нафар қизига мерос қилиб қолдирган бу инсон барпо этган чаманзорлар фарзандлари меҳри билан тобора яшнамоқда. Мазкур соҳани оилавий бизнес сифатида ўзлаштирган қизларнинг ҳар бири 7-8 минг турдаги гулу чечаклардан иборат мўъжаз иссиқхонанинг эгаси. Улар кейинги йилларда иссиқ ўлкаларда ўсадиган қўплаб гуллар, зайтун, дафна дарахтларини ҳам маҳаллийлаштиришга эришди.

— Италиядан келтирилган вернисия, Арабистоннинг бутувелия, Голландиянинг антириум сингари гуллари, киви, мандарин, мушмола, пёҳа сингари цитрус меваларининг қўчатларини етиштиришни йўлга қўйдик, — дейди Раҳимжон гулчининг тўнғич қизи Ҳамидахон ая. — Бугун бу ерга келтирган тўрт мингдан кўпроқ турдаги 100 мингга яқин гулларимизнинг харидори чаққон. Савдо чоғида нозик ниҳолларнинг ўзига хос парвариши ҳақида тушунча ҳам бераймиз.

Кун сайин қизийтган анжуман тобора кўпроқ томошабинларни ўзига жалб қилмоқда. Жойларда ташкил этилаётган дилтортар концерт, миллий ўйинлар томошаси, спортчиларнинг чиқишларидан баҳра олаётганларнинг қувончи чексиз. Кеча “Афсоналар водийси” тематик паркида модельерлар кўргазмаси ўтказилган эди. Бугун Наманган муҳандислик-технология институтида фестивал доирасида халқаро таълим форуми уюштирилди.

Ўн беш кун давом этадиган нафосат байрами иштирокчиларини олдинда бир-биридан қизиқарли томоша, баддий дастур ҳамда маданий-маърифий тadbирлар қутиб туради.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 548. 31 488 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўлабмақал тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.

Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюқ Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6